

Охират ғами



14:00 / 11.06.2019 1836

Агар 30 долларлик соат тақсанг ёки 3000 долларлик соат тақсанг ҳам барибир, бир хил вақтни кўрсатади.

Агар 30 долларлик сумкага эга бўлсанг ёки 300 долларлик сумкага эга бўлсанг ҳам барибир, ичидаги нарса ўзгармайди.

Агар 300 метрлик уйда яшасанг ёки 3000 метрлик уйда яшасанг ҳам барибир, ёлғизликни ҳис қилиш бир хил бўлади.

Охирида автобуснинг олди ўриндиғига ўтирсам ҳам ёки орқа ўриндиғига ўтирсам ҳам барибир, манзилимга бир вақтда етиб боришимни тушуниб етдим.

Фарзандларимизга бой бўлишни эмас, балки, қандай қилиб бахтли бўлишларини ўргатайлик. Ана шунда улар улғайганларида нарсаларнинг нархига эмас, қийматига, қадрига назар соладиган бўладилар.

Қалбимизни фоний дунёга эмас, балки, абадий Охират ва Жаннатга боғлайлик!